



186

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабод, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

У.г. «31» декабр

№ 1883-К

“Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис” агрофирмаси худудидан фуқаро Аббосов Ахтамга ветеринария дорихонаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.

“Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Пулимуғоб” маҳалласида яшовчи фуқаро Аббосов Ахтам туман ҳоқими номига “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис” агрофирмаси худудидан ветеринария дорихонаси қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси ҳулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳоқимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Пулимуғоб” маҳалласида яшовчи фуқаро Аббосов Ахтамга “Кўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конибил агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 860 контуридан ветеринария дорихонаси қуриш учун 83 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаролар Аббосов Ахтамга ветеринария дорихонасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Фуқаро Аббосов Ахтам томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б. Кадиров